

*Әдебиеттану / Literary studies / Литературоведение*

ҒТАР 17.07.91

Илмий мақола

**А.А. Асроров***Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети**Самарқанд, Ўзбекистон**(E-mail: asrorovakbar@gmail.com)***Қозоқ миллатнинг маънавий ислохотчиси Абай адабий меросида инсонпарварлик ва нақшбандийлик**

**Аннотация.** Абай Қўнонбоев ўзининг барҳаёт номи ва бетакрор ижоди билан нафақат қозоқ халқининг, балки бутун туркий дунё маънавиятининг шарафини оламга танитган улкан мутафаккир сифатида танилган. Унинг асарлари илғор тасаввуфий-фалсафий қарашлар, жамият ва инсон табиатига оид чуқур таҳлиллар ҳамда комил инсонни тарбиялашга бағишланган ғоялар билан бойитилган. Мазкур мақолада Абай ижодида инсонпарварлик, ахлоқий камолот, маънавий ривожланиш, билимга, этикага ва тарбияга бўлган ёндашув, нақшбандийлик таълимотининг излари таҳлил қилинади. Абай ижодида инсоннинг нафсини покланиши, ахлоқий камолга етиши, жамоатқа фойдали бўлиши ва шахсий масъулиятни англаши каби масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, Абай ўзининг маънавий устози сифатида Алишер Навоининг қарашларидан илҳомланган ва ҳаётни севиш, инсонпарварлик, адолат ва нақшбандийлик тамойилларини ўз асарларида уйғунлаштиргани кўрсатилади. Мақола оқувчига Абай ижодий меросидаги философ, этик, педагогик ва маънавий жиҳатларни чуқур тушуниш имконини беради. Шунингдек, мақола Шарқ адабиётидаги гуманистик анъаналар ва инсоний фазлатларни, уларнинг замонавий ахлоқ ва маънавий тарбиядаги аҳамиятини ҳам кенг ёритади. Абай ва Навои таълимотлари орасидаги маънавий ва фалсафий уйғунлик замонавий билим, этика ва маънавий тарбия соҳасидаги қимматли хулосаларни шакллантиришга хизмат қилади.

**Калит сўз:** дарға, ижодий мерос, нақшбандийлик таълимоти, мутафаккир, шарқ адабиёти даҳолари, панд-насихат, инсоний фазлатлар

DOI: <https://doi.org/10.71078/nhb2gh56>

Қабул қилинди: 30.10.2025; Маъқулланди: 11.12.2025; Онлайн нашр этилди: 25.12.2025.

**Кириш**

Тасаввуф илми ислом тамаддунининг қадимий стунларидан бири ҳисобланиб, пайғамбаримиз с.а.в.ва ул кишининг саҳобалари турмуш тарзларида ислом таълимоти ва тарғиботи асносида юзага келди. Тасаввуф такомили тарихи шуни кўрсатадики, ҳар бир даврда ҳам тасаввуф ва унинг намоёндалари битта вазифани яъни Оллоҳни англаш орқали оддий инсоний тушунчаларни келгуси авлодларга етказиш вазифасини бажарганлар. Чунки тасаввуф Ҳақ маърифати бўлиб, ақл ва қалбнинг соф ва самимий тушунчаларини ўзлигида ифода этади. Қадимдан қавм-қариндош, тили ва дини бир бўлган, яқин қўшничилик, дўстлик ва яхши ҳамкорликда яшаб келаётган қозоқ халқининг улўғ сиймоси Абай ижодини ҳам шу нуктаи-назардан ўрганиш, ўнинг барҳаёт номи ва бетакрор ўлмас ижодини талқин қилишда ўзгача бир тамойил бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Абай Қўнонбоев адабий тафаккурни нурлантириувчи мушоҳадалари билан мавжуд ҳаётни санъаткорона бадиий акс эттирган улкан мутафаккир адибдир. У шоир сифатида бутун инсониятга муҳаббат кўзи билан қаради. Шоирни миллийлик қобилиятдан чиқариб, уни умумбашарий шоирга айлантирган омил, унинг ўз халқига бўлган чексиз ва беғубор муҳаббати, эл-юртининг тақдири билан боғлиқ курашчан доно ва сўфиёна фикрларидир. Ўз элининг тинч, осойишта ҳаёт кечиришини, илм-билимли бўлишини, маданиятининг юксалишини орзу қилган улуғ шоир халқига теран ҳикматлар ва инсонпарварлик туйғулари билан тўлиб-тошган ажойиб шеърлар хазинасини мерос сифатида қолдирди. Шоирнинг адабий мероси миллийлик чегарасидан чиқиб, жаҳон сўз санъатининг асл дурдоналарига, инсоният тафаккурининг хазинасига айланиб улгирган. Унинг қўшиқ бўлиб тилларда янграган ажойиб шеърлари, ҳикмат бўлиб дилларга сингган насрий асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилингани Абай шахсининг нақадар улуғлигига бир ишорадир.

Абай Қозоғистоннинг Еттисув вилоятига қарашли Чингизтоғ (ҳозирги Абай) туманида дунёга келган. Унинг отаси Қўнонбой Ўсконбой ўғли қозоқ уруғлари ичидаги бадавлат ва мартабали инсонлардан бири бўлган эди. Иброҳимнинг онаси ва бувиси ёшлигидан уни эркалатиб “Абай” (эхтиёткор, уйчан маъносида) деб чақиришар эди. Кейинчалик бу ном тақдирнинг тақозоси билан шоирнинг адабий тахаллусига айланади.

Абай дастлабки таълимни ўз овулидаги мактаб мударрисидан олади, 10 ёшида отаси уни Еттисув (Семипалатинск) шаҳридаги мадрасага ўқишга юборади. У ерда Абай уч йил давомида араб ва форс тилларини ўрганади ҳамда эртақ, афсона ва ҳикояларни ўқишга бўлган рағбати ўз-ўзидан кучая бошлади. Аста секинлик билан Абай мадраса таълими билан биргаликда, Шарқ адабиётининг етук намояндалари Саъдий Шеъррозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий ва Хисрав Деҳлавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Фузулий асарларини билан яқиндан танишади. Бу эса ўз навбатида Абайда ҳам тасаввуфий қарашларни шакллантириб, оддий халқдан то давлат арбобларигача маъқул йўл бўлган ва назарга тушган нақшбандийлик тамойили асосдаги эгаллаган билимлари бўлса, иккинчидан нақшбандийлик сулукидаги адиблар ҳам адабий жараёнга шу тамойил орқали кириб келганлар, учинчидан Нақшбандийлик қалбига зарб этилган Алишер Навоийдек кишини ўзига устоз деб билиш, Абай учун олий бахт ва айни замонда адиб яшаган давр таълими талаби тасаввуфий қарашлар билан уйғун бир давр эди. Қозоқ мумтоз адиблари ижодларида ҳам хусусан Абай ижодида ҳам кишиларни маънавий юксалишга чақириш йўли орқали ўз устозлари каби нақшбандийлик таълимотини юқори бир пағонада давом эттирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бу ҳол ўз навбатида, шоирнинг дастлабки шеърый асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. Абай 13-14 ёшларида Шарқ адабиёти намояндаларига бағишлаб шундай бир чиройли шеърини ёзадики, шеър мазмунидан шоирнинг Оллоҳдан мадад сўраб туриш ҳолати яққол кўзга ташланиб туради:

*Фузулий, Шамсий, Сайқалий,  
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,  
Хўжа Ҳофиз – бу ҳаммаси,  
Мадад бер, ё шуаро фарийёд.*

Абай 14 ёшларида отасининг қистови билан ўқишни ташлаб овулга қайтиб келишга мажбур бўлади. Отасининг талаби асносида Абай овулда эл бошқариш ишларига аралаша бошлади ҳамда кейинчалик шу лавозимида ўз ғолиятини давом эттиради. Шу вақтдан бошлаб Абай овулдаги халқ тақдири билан яқиндан танишади, у ғолияти давомида ҳаётнинг пасту баландини кўради, эл орасидаги зиддиятларни, зўравонлик ва қарама-қаршиликларнинг гувоҳи бўлади. Абай овул бошқариш ишида

адолатли бўлишга, халқ манфаатлари учун фойдали ишлар қилишга интилади, афсуски теваарак атрофдаги кишилар уни қўллаб-қувватламайдилар, натижада у фиску фасод кишиларининг қаршилигига дуч келади.

Абай мадрасада ўқиб юрган йилларидан бошлаб бадиий ижод билан шуғулланиб ўзининг дастлабки шеърларини ёза бошлайди, аммо у ўз шеърларини ўзгаларга, айниқса отасига кўрсатишдан бир оз ҳайиқиб юради. Адиб ўн тўққиз ёшларида ёзган шеърларидан бири “Алифбо” да илм олиш ва маърифатли киши учун зарур инсоний бир туйғу деб ёшларни илм олишга ундаса “Илм топмай мақтанма” номли шеърида илм олишнинг ўзига хос беш ҳикмати борлигига ишора қилар экан, шоир илм барча хазиналар калити дея сўфийларча донолик билан шундай дейди:

*Илм топмай мақтанма,  
Ўрин топмай бопланма.  
Хуморланиб шодланма,  
Ўйнаб бекор кулишга!  
Беш нарсадан қочиқ бўл,  
Одам бўламан десангаиз....  
Талаб, меҳнат, теран уй,  
Қаноат, раҳм, ўйлаб қўй...  
Бир олимни кўрсангаиз,  
“Ундай бўлмоқ қайда?” деб,  
Айтма илм сўйсангаиз.  
Сизга илмни ким берар,  
Ёнмай ётиб сўйсангаиз.  
Дунё ҳам, мол ҳам ўзи,  
Илмга кўнгул берсангаиз (Абай, 1970: 29-31)*

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Абай ички қарма-қаршиликлар асносида эл бошқаруви лавозимидан воз кечади, тахминан қирқ ёшларига етганда адиб яна адабий ижодга қайтади. Бу даврда Абай ҳар томонлама билимли, ҳаёт қийинчилигини кўрган, кенг дунёқараши шаклланган, инсоф ва диёнатли, қолаверса ўзининг тасаввуфий қарашлари билан халқ ҳурматини қозонган табаррук бир шахсга айланган эди. Шоир шу йиллардан бошлаб адабий ижод оламига астойдил киришиб кетади ва ўзининг теран, чуқур мазмунли асарларини ярата бошлайди. Маълумки, Ўзбекистонда ҳам қозоқ халқининг буюк шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевнинг адабий ижоди юксак баҳоланиб, асарлари ўзбек тилида нашр этилган. Тошкент шаҳрида унинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилган ва йирик кўчалардан бирига унинг номи берилган. 2015 йили буюк шоир Абай Қўнонбоев таваллудининг 170 йиллиги республикаимиз миқёсида байрам қилинди. У ҳақда “Абай олами” тадқиқот асари, “Абай” асарларидан намуналар китоб ҳолида нашр этилди, оммавий ахборот воситаларида туркум мақолалар чоп этилди. Жойларда эса, Абай ижодига бағишланган адабий учрашувлар ва мушоиралар ўтказилди.

Бир-бири билан иноқ икки халқ бир макон, бир заминда кўпдан буён ёнма-ён яшаб келаётганлиги туфайлигина эмас, балким қадимий урфларимиз, тақдирларимиздаги ўхшашлик ўзбек халқида ҳам Абай ижодига бўлган қизиқишни янада ортириб юборди. Абай тақдири ҳам бизнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари тақдирига ўхшаб кетади. Амирий, Феруз, Садр Зиё, Сўфи Оллоёр тақдирларида бу ўхшашликларни бемалол кўриш мумкин. Абай умуминсоний қадрият ва панд-насиҳатлар йўғрилган, меҳр-оқибат туйғулари юксак пардаларда тараннум этилган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан халқларимиз маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси инобатга олиниб ҳамда халқларимиз орасидаги ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни

янада ривожлантириш, эл-юртимизни қозоқ адабиётининг улуғ намояндалари ижоди билан кенг таништириш мақсадида 2018 йилнинг 13 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори қардош Қозоғистон халқига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига, ёруғ келажагига бўлган катта ҳурмат ва ишончнинг ёрқин ифодаси бўлди. Қарорда “ Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилган бугунги кунда Абай Қўнонбоев сингари улуғ алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. Зеро, Абай ижоди теран фалсафа, келажакка донишманд нигоҳ, миллият истиқболи ҳақида қайғуришдек тамойилларга асосланиши билан ўзбек китобхонлари учун ҳам гоёят қадрлидир ” , – деб эътироф этилиши алоҳида эътиборга лойиқ ишлардан бири бўлди<sup>1</sup>. Қолаверса қарорда Абай ижоди барча халқлар каби халқимиз учун ҳам чин дўстлик, қардошлик, донишмандлик, комилликка интилиш рамзи бўлиб хизмат қолавериши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Мўхтарам Президентимизнинг Абай меросини ўрганиш тўғрисидаги қарори асосида кенг кўламли ишлар бугунги кунликка қадар олиб борилмоқда. Жумладан адабиётшунос олим Абдулла Рустамовнинг “Абай абадияти” рисоласи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Қалдибек Сейдановнинг шоир ижоди ҳақидаги “Умр ибратлари”, “Абай ва Ўрта Осиё адабиёти”, Янгибой Қўчқоровнинг “Оққув қанотига қўнган оҳанглар” китобларининг чоп этилиши киши кўзини қувонтиради. Қўлимизда Абайнинг 1970 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан нашр этилган “Абай ”(Шеърлар ва поэмалар) номли рисоласи турибди. Рисолани варақлар эканман, ундаги бир шеърга кўзим тушди:

“Эй худо”, – дейди шоир “Ўринлат, тилаган тилакни, Санданда сўрайман, Юрагим шувиллаб, Суягим жимирлаб, ...Зорланса бандаси, Бермасми Оллоси, Соғлиқ бер эркамга, шудир ота дуоси!” (Абай, 1970). Диққат билан қарайдиган бўлсак, бу тотанинг нидоси, Илоҳий жамолга муножоти эмасми? Бундай муножотни Бобурда ҳам кўрганмиз. Қай замон бўлмасин, киши ўзи сиғмаган дардини ошкор қилар экан, бунда нажот- истак қоришиқ бир ҳолда акс этиб турганлигини ҳаммамиз яхши биламиз, яхши англаймиз. Шундай экан Абай ҳам ўз аржуманди учун ҳеч бир таъқибдан қўрқмай Оллоҳга муножот қилмадимикан? Ахир, Абай мадраса таълимини ўзлаштирган, барча амалларни яхши билган уламо, сўфий ва диний билимларга эга бўлган муборак шахс эканлигини унитмаслигимиз керак. Зероки илмда била туриб, қалбий илмни ошкор қилмаслик ҳам айни замонда мурдатлиқдир. Абай ижоди барча халқлар каби халқимиз учун ҳам чин дўстлик, қардошлик, донишмандлик, комилликка интилиш рамзи дея эътироф этар эканмиз, унинг шеърый сатрларидан бирига эътиборни қаратамиз:

*Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси,  
Қийиндан қийилтирар эр донаси.  
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,  
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси...*

*Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,  
Шираси ҳам маъноси гоёят бўлур.  
Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган,  
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.*

*Тўғри сўзлик ўланим ўзинг тингла!  
Майли, татимаса ҳам суйла бардам!  
Бу юрт сўз ошигимас мол ошиги,*

<sup>1</sup> Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 13.03.2018 й.  
Н ПҚ-3598



*Розиман, мингдан бири тушунса ҳам...*

*Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!*

*Ўзи билан довлашган юртим тингла!*

*Дардингга даво бўлсин ўланларим,*

*Бир-бирини овлашган юртим, тингла!* (Абай, 1970: 72-74) – Шоир ўлан ҳадис, Қуръон оятлари каби эътиборли, ҳатто Каламулло – ўлан билан ёзилган демокчи. Бунда Пайғамбаримиз (с.а.в)га ваҳийнинг тушиши ҳолатига уланнинг ҳам илҳом билан жўшиб келиши ҳолати қиёс қилинган ҳолда ўз халқининг зулматдан чиқариб олиш учун унга бир чақирув йўллашга ҳаракат қилади. Шоир яна бир ўланида:

*Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,*

*Ўтган-кетган гапларни термак учун.*

*Мен ўланни ёзаман тушунганга,*

*Авлодимга бир сабоқ бермак учун.* (Абай, 1970: 45)

Абай оқин сифатида ҳам ўланлар айтар экан, у ўз ўланлари орқали ҳам халқини маърифат кишиси бўлишини дил-дилидан истайди ва авлодларини шунга чақиради. Тарихий манбааларда кўрсатилишича Абайнинг отаси Қўнонбой феодал ва қаттиққўл бўлишига қарамай ўз даври учун хайрли ишлар қилиб кетган саводли ва тубаррук бир шахс бўлган. У киши ўз овулида эски мактаблар очиб болаларни саводини чиқаришга қаттиқ киришган кишилардан бири. Бу Абай маърифатли оила фарзанди ва шунинг учун ҳам у бор кучи билан халқининг саводли бўлиши учун зиддиятларни енгиб, уларни маърифатли бир авлод бўлишини истайди:

*Қаридик, ғам битмай, кўнайди армон,*

*Биздан сўнг ёшларга қолади замон.*

*Уларнинг хулқидан кўнглим ховотир:*

*Тер тўкмай, юлғучлик пайида ҳамон.*

*Меҳр йўқ, қўним йўқ, бари чигал,*

*Бир-бирин кўролмас бовур-жигар.*

*Эл тўзгиб низодан, соб бўлди-ку,*

*Жон деб нени яратидинг, парвардигор.*

Абай кишиларни саводли қилиш орқали ўз замонасидаги миллий урф-одатларнинг сақланиб қолинишига, мавжуд тартибнинг бузилмаслиги тарафдори бўлган ва шу йўлда кураш олиб борган. Ўз эътиқодидан келиб чиқиб, кексайган бир пайтида Маккаю мукаррама ва Мадинаю мунавварага ҳаж сафарига бориб, у ерда ўз ҳисобидан масжид ва меҳмонхона қурдирган буюк эътиқод эгаси эканлигини унитмаслигимиз керак.

### **Натижалар ва муҳокама**

Абай шеърлари киши қалбидаги эзгу тилакларни ифода этиши билан кўнгилни завқу шавққа тўлдиради, юракларни яйратган дўмбиранинг майин нолаларига ўхшайди. У асарларида ўз даврининг барча тала-тўпирларую, яхшилик ва эзгуликларини бутун қарама-қаршиликлари билан кўрсатиб бера олди. Шу тарзда адиб ижоди ўз замонасининг кўзгусига айланди.

Абай қозоқ овулларидаги халқнинг турмуш шароити билан танишар экан аҳолининг ниҳоятда оғир аҳволига, ўта қийинчилик билан турмуш кечираётганлигига ич-ичидан ачинади ҳамда уларга хайрихоҳлик билдириб иложи борица ғамхўрлик қилишга тиришади. Абайнинг бундай халқпарварлиги отаси билан ўзи ўртасидаги бир қанча қарама-қаршиликларга сабаб бўлади. Қўнонбой ўғлининг халққа яқинлигини ёқтирмай, унга: “Сен одамларнинг ҳаммасига кулиб гапирасан, ёйилиб оққан сувга ўхшайсан, ёйилиб оққан сувни ит ҳам, қуш ҳам ичади. Кўпчиликдан йироқ юр, шунда

бошингга халқ уймалайвермайди”, – деб қаттиқ қойийди. Шунда Абай: “Қўлида қуроли бор, битта-иккитагагина фойдаси тегадиган чуқурдаги кўлоб сувдан, ўтган-кетганга, кўпчиликка, халққа фойдаси тегадиган ёйилиб оққан сувни афзал деб биламан”, – деб жавоб қайтаради (Авезов, 1967).

Оға-инилар ўртасидаги низолар, мансабидаги Қўнонбойнинг ўз ҳуқуқдан ортиқча фойдаланиши, унинг уруғдошларининг яхши ерларини тортиб олиши асносида юзага келган зўровонлик ва ҳақсизликлар натижасида овулда ўзаро уруш-жанжаллар ва низолар кучаяди. Бу ҳолат Қўнонбойни эгаллаб турган лавозимидан туширилиб, Омск шаҳрига терговга чақиртирилиши, уруғдошларига ерлари қайтариб берилиши билан тугасада, лекин орадаги низолар тугамайди. Натижада бу учакишлар охир оқибат Қўнонбой фарзандларининг бошларига катта кулфатлар келиб тушишига сабаб бўлади. Бу масала ёзувчи Мухтор Авезовнинг тўрт томдан иборат “Абай йўли” роман-эпопеясида ўз тасвирини топган.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб Абай оиласида фожиали воқеалар содир бўла бошлайди. Ўзаро зиддиятлар туфайли шоирнинг ўғли Ўспон 1891 йили вафот этади. Шу йили Петербургдаги ҳарбий билим юртини тугатиб, академияга киришга ҳозирланаётган севикли ўғли Абдурахмон сил касалига учрайди ва бир йилдан сўнг, 1895 йили Верний -ҳозирги Олма ота шаҳрида 27 ёшида вафот этади.

Ота душманлари Абайнинг қайғусига қўшилиш ўрнига уни янада турткилай бошлайдилар. Улар 1897 йили Абайнинг уйида, “Подшо ҳукуматига қарши бўлган одамлар кўп келади ва ўзи ҳам подшога қарши ишлар билан шуғулланади”, – деган айблар билан тинтув уюштирадилар. Лекин уларнинг бу фитнаси натижа бермагач, бошқача чоралар кўришга ўтишади. Ўша йилнинг кузидаги сайлов вақтида улар унга қарши турли бўхтонлар уюштирилиб, Абайни калтаклашгача бориб етадилар. Бироқ, фитна фаш бўлиб, уни уюштирган шахслар жазога тортилади. Бу воқеалар Абайга қаттиқ таъсир қилади. У 1889 йилда ёзган бир шеърда:

*Юрагим менинг қирқ ямоқ,  
Хиёнаткор оламдан.  
Қандай қилиб бўлсин соғ,  
Кўнгил қолган ҳаммадан.*

*Эй, юраги дардли одам,  
Қалбимдан сен хабар ол:  
Унда не бор, қандай дард,гам*

Тилга кирар, қулоқ сол (Абай, 1970) – деб, зорланади. Ана шундай аҳволдаги Абайнинг бошига 1904 йили яна бир оғир кулфат тушади. Ўша йилнинг баҳорида таниқли шоир, бир қанча поэмалар муаллифи, Абайнинг севикли ўғли Мағавия касал бўлиб 34 ёшида бевақт вафот этади. Дарди оғирлашган Абай ҳеч ким билан гаплашмай, тўшақда ётиб қолади. Мағавия ўлиmidан 40 кун ўтгач, 1904 йилнинг 23 июль куни Абай дунёдан кўз юмади.

Абай бор-йўғи 59 йил яшаган бўлса-да, шу қисқа ва мазмунли умрида қозоқ ёзма адабиёти ва адабий тилига асос солди. Абайнинг ижодий меросини 180 га яқин шеърлари, 3 та поэмаси, 60 дан ортиқ таржималари ва унчалик катта бўлмаган насрий асарлари ташкил этади. Абай қозоқ адабий ҳаётига янги юксалиш даврини олиб келди. У шоир, дostonчи, ёзувчи, таржимон, бастакор, файласуф-олим, гуманист, маърифатчи сифатида ижод қилиб қозоқ классик адабиётининг отаси, қозоқ поэзиясининг асқар тоғи, замонавий мусиқа яратувчиси ва маърифатга йўл бошловчиси даражасига чиқа олди.

*Қозогим, шўрли юртим, вайрон юртим!  
Қоронғуда йўл топмай, ҳайрон юртим!*

Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,  
Оғзида ҳам қон, ҳам мой, сарсон юртим!  
Қарасам, ажабтовур юзинг сенинг,  
Нечун ахир, алдамчи сўзинг сенинг?  
Доноларнинг ҳикмати писанд эмас,  
Ғофил қолган, адашган ўзинг сенинг!

Тунда уйқунг бузилар, кундуз – кулгинг,  
Дардингга эм бўлади, молинг-мулжинг!  
Очкўзсан, таъмакорсан, қурумсоқсан,  
Бор савлатинг бошингга кийган тулжинг...

Бий бўлди қийқим бойлар бош-бошига,  
Доғ солди, заҳар солди юрт ошига,  
Қўрқаман, асоси йўқ кўр сингари,  
Элим унар бузуқлар алдашига!..

Оталарга ўхшамай қолди турқинг,  
Ёпирай, мунча кетди, элим, хулқинг!  
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузулди феъл,  
Қани йиққан давлатинг, боққан йилқинг?

Элат билан – элат ёв бойлик учун,  
Оға билан – уни ёв сийлик учун,  
Қозоғим, ўз-ўзингни ўйламасанг,  
Бадбахт кунга қолмасми тақдир бутун?

Мен нетай, ахир кимга умид боғлай?  
Қўрқоқ қулла юртида не бахт чоғлай?  
Бир йўлчи топилмасми сарсон элга,  
Мен излай, мен ахтарай, мен сўроқлай...

Шоир ўзининг «Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим», «Бойлар юрар молин кўрғалатиб», «Адашганнынг олди жўн», «Кўнглим қолди дўстан ҳам, душмандан ҳам», «Сизга ким илм берар, ёнмай ётиб сўнсангиз», «Дунё ҳам, мол ҳам – илмга кўнгил берсангиз», «Илм топмай мақтанма», «Ёшлиқда илм деб ўйладим» каби ва бошқа шеърӣ асарларида халқни маданиятга, илм ва маърифатга, буюк инсоний фазилатларга даъват этади.

Шоирнинг “Кўклам”(1890) шеъри ҳам ниҳоятда жозибали мисраларда битилган. Шоир табиатнинг уйғонганлигидан, унинг гўзаллигидан, “оламга безак берган” фаслдан илҳомланади, таскин топади. Абай ижодида наср йўли билан битилган бир қанча асарлар мавжуд. Ёшларни илм олишга ва тарбиявий характерга эга бўлган «Нақлия сўзлари», яъни насиҳатлар тўпламини яратади. 45 та катта-кичик ҳикоялардан иборат ушбу асарлар тўплами қозоқ халқининг олтин мероси ҳисобланади. Абай ўз халқининг истиқболини ўйлайди. Саодатга еришиш учун илм олишга, ўқишга чақиради. Билимсизлик жаҳолатга туширади. Бий-бойларни бераҳм, жаҳлдор, инсофсиз бўлиши билимсизликдан деб билади. Шоир очлик, қашшоқлик ҳукм сурган жамиятдан зорланади. Енди Абай орзу қилган ҳур замонлар келди. Қозоқ халқи мустақилликка еришди. Шунингдек, адибнинг 1890-1898-йилларда ёзилган “Насиҳатлар”и алоҳида аҳамият касб этади. “Бизда бир мақтанчоқлик деган бир ярамас нарсаси бор. Аслида бу нарсанинг нима кераги бор ўзи? Зотан – ор-номуссизлик, нодонлик, ҳаёсизлик ҳамда на ботирлик ва на одамгарчиликдан хабари йўқликнинг аломатидир”, – деб ёзади Абай.

Абай насиҳатларидаги фикрлар руҳшунослар учун ҳам, ўқувчи учун ҳам кўп жиҳатдан фойдалидир. Жумладан, адиб ўттиз иккинчи насиҳатида шундай дейди:

“Киши ешитган нарсасини унутмаслик учун тўртта шарт бор: аввало, бунинг учун зеҳнли бўлмоқ керак; иккинчидан, бир нарсани кўрганда, ё ешитганда унга чин юракдан ихлос қўйиб, фаҳм-фаосат билан уқиб олмоқлик лозим; учинчидан, ешитганларини ичида бир неча марта такрорлаб, кўнглига жо қилмоқ керак; тўртинчидан, кўнглига бошқа нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача еътибор бермаслик керак. Масалан: беғамлик, бепарволик, ўйин-кулги ёки қайғу ҳасратга берилмаслик ва бошқа нарсага ихлос қўймаслик керак. Акс ҳолда, бу тўрт нарса ақл билан илмга путур етказадиган омиллардир” (Абай, 2015).

Абай илм, ўқиш-ўрганиш ҳақида ҳам қимматли насиҳатларини беради. Илмни ўрқаниш чоғида аввало, “мулоҳаза юритиш”, кейин еса уни “муҳофаза қилиш лозимлигини уқтиради. “Феъл-атвор ва хулқни бир меъёрда” сақлаш ҳақида ҳам қимматли фикрларини билдиради. Умуман олганда, Абай панд-насиҳатларини ўқиш фойдалидир.

*Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,  
Уқуви йўқ, ҳар қадамда хато қилар.  
Ор-номуси, тоқати йўқ, ишончи йўқ,  
Тайини йўқ, фақат кайфу сафо қилар.  
Ёмон билан яхшини фарқ қилса, кошки,  
Ёки дину диёнатин билса кошки;  
Қасам ичиб, лоф уриб излагани  
Бир от билан ошдан нари жилса кошки.  
Бундай ёшлар ўз юртининг кўрнамаги,  
На ўқийди, на бир ҳунар ўрганади.  
Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол топмоқчи,  
На имону на инон бор, сургалади.  
Унда уни алдайди у, бунда буни,  
Жон берсанг ҳам, топилмайди сўзнинг чини.  
Гумдон бўлса, элга қиттак зиён келмас,  
Бир семизроқ от бўлади унинг хуни.*

Абайнинг асарларида халқини илм-маърифатга, инсонийликка даъват этувчи ғоялар билан бир қаторда, соф муҳаббат, чин дўстлик ва эллар орасидаги биродарлик ғоялари ҳам куйланади. У ўз асарларида «дўстликсиз, муҳаббатсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас», «ҳаётда инсон инсонни севмасдан, жамият учун астойдил хизмат қилмасдан яхши яшаш мумкин эмас» – каби ғояларни илгари суради.

Унинг «Йигитлар, ўйин арзон, кулги қиммат», «Эй муҳаббат, эй дўстлик», «Қиз сўзи», «Йигит сўзи», «Ошиқ сўзи – тилсиз сўз», «Баъзан тушар кўнглимга», «Ошиқлик ва хуморлик – бу икки йўл», «Сен мени не эта – сан?...», «Ёшлиқ алангасиб қайдасан?» каби шеърлари шундай мавзуларга қаратилган. Маълумки қозоқ халқида дўмбра билан ўлан айтувчи шоирлар (оқин) қадимдар мавжуд бўлган. Абай ўз замонининг ана шундай оқинларига ҳам юқори талаб қўяди ва маза-матрасиз шеърлар ёзиб юрган ижодкорларни кескин танқид қилади.

*Ўлан – сўзнинг пошилоси, сўз сараси,  
Қийиндан қийилтирар эр донаси.  
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,  
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.  
Сараланмай булганса сўз ораси,  
Бу – оқиннинг билимсиз-бечораси.  
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,  
Сўз танимас бул юртнинг бир пораси.*



Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,  
Шираси ҳам маъноси гоят бўлур.  
Пайгамбар ҳам сўзини ўлан қилган,  
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Ёки:

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
Мен ўланни ёзаман тушунганга,  
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.  
Сўзимни тентак уқмас, зийрак уқар,  
Кўнглининг кўзи очиқ, сергак уқар.  
Қийшиқ-қингир йўللардан келма менга;  
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга.  
Эҳтимол, биринчи гал уқмассан ҳам,  
Ўлан алифбесидан бошлай сенга.  
Айтиб қўяй, ёқмаса шу замонок айт;  
Янги ўлан сўрамай, овулингга қайт.  
Мен ўланда афсона куйламадим,  
Олтидан қуйма қизни ўйламадим.  
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,  
Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим.  
Жирканмайин, сўз аслин мендан сўра,  
Сўзимнинг тағи теран, пайқаб қара.  
Ўлан кўп, тузсиз ўлан тегди жонга,  
Ёлгон гап тўлиб кетди бу жаҳонга.  
Оқинларга ялинаман, ақлга кир,  
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга,  
Ўлан бор-ўланларнинг ўланидир,  
Ўлан бор-беъманидир. беъманидир.

Абайнинг “Қора сўзлар” асарини ўзбек тилига А. Мухтор, Уйғун, Миртемир, М. Аҳмад, Н. Фозиловлар таржима қилишган. 2020 йилда эса Қ. Йўлдошев томонидан таржима қилинди. Асардаги чуқур фикр-мулоҳазалар, қалб изтироблари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. У бир аср олдин ёзилган бўлса ҳам, бугунги кунгача ундаги доно фикрлар ва насиҳатлар ўз долзарблиги билан ўқувчини лол қолдиради. Абай инсон қадр-қимматини пасайтирувчи сарқитлардан ҳалос бўлишга чақиради, маънавий баркамолликка интилиб, ўз халқи ва бошқа халқлар тўплаган билимларни эгаллаш йўлидан боришга чақиради. Жумладан, асарда қозоқ халқини атрофдаги бошқа миллатлардан, жумладан рус, нўғай ва сартлардан ибрат олишга ва уларнинг уddaбуронлиги ва тадбиркорлигидан ўрганишга ундайди Абайнинг кўплаб асарлари панд-насиҳатлар, ахлоқий суҳбатлар тарзида ёзилган. Ахлоқ муаммоларини ҳамда бошқа муаммоларни ечишда унинг кўнглидаги маърифатпарвар орзулар биринчи ўринга чиқади.

Леонид Леоновнинг таъкидлаганидек, Абайнинг “Қора сўзлари” қозоқ халқининг мураккаб тарихий йўлининг бошидаги шоирнинг ўз халқига насиҳатидир. Бу асар китобхонлар билан суҳбатлар тарзида ёзилган фалсафий-танқидий характердаги насиҳат бўлиб, уни фақат ўз даврининг буюк шоири ва мутафаккири беришга ҳақли эди.

Шоир ўз ҳаёти давомида нодонликларни кўп кўрди. Бу Абайнинг «Илм топмай мақтанма», «Ёшлиқда илм бор деб ўйламадим», «Назарга», «Кўкбойга» каби шеърларида

ифода топган. Унинг «Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим», «Бойлар юрар молин қўрғалатиб», «Адашганнинг олди жўн», «Кўнглим қолди дўстан ҳам, душмандан ҳам», «Сизга ким илм берар, ёнмай ётиб сўнсангиз», «Дунё ҳам, мол ҳам – илмга кўнгил берсангиз» каби ва бошқа шеърини асарларида халқни маданиятга, илм ва маърифатга, буюқ инсоний фазилатларга даъват этади (Абай, 2015: 10).

Очкўз, таъмагир, порахўр, текинхўр, майхўр, ялқов, маишатпараст, манфаатпараст, маддох зотларни жамият дарахтига тушган қурт, деб билади. Меҳнат ва хунар, софлик ва ҳалоллик, адолат ва ҳақиқат Абай шеърларининг туб моҳиятини, леймотивини белгилайди:

*Ақл керак, соз иш керак, хушхулқ керак,  
Эр уялар ишни қилса бўлмай зийрак.  
Шилта, шилқим, асли таги лўттибозга  
Садоқатли дўст топилгай жуда сийрак.*

Юксакбадиият билан юқори ижтимоий мазмуннинг уйғунлашгани Абай поэзиясини наинки ўз даври, балки барча замонлар учун долзарб поғонага кўтаради. У ўз асарларида, шеър ва достонларида кенг қўламли хулосалар орқали зулм ва мунофиқликнинг асл қиёфасини очиб беради. Зулмат замонга нур олиб киради. Абай истеъдоди, эътиқоди ва тафаккурининг нақадар юқори бўлганини, ўз замонидан бир неча қадам олдинда юрганини исботлайди:

*Одамзод тирикликни давлат билсин,  
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.*

“Илм топмай мақтанма”, “Қалбингда ўтинг бўлса”, “Ёшлиқдан билим излаб югурмадим”, каби шеърларида Абай ўзи яшаган жамият ва келгуси замонларда баркамол авлодни кўргиси, халқ ҳаётини фаровон қиладиган бунёдкор ёшлар шаклланишини иштайди.

Миртемир ўзининг “Кўз устига, қош устига” номли мақоласида “Абай Қўнонбой ўғли... қозоқ ёзма адабиётининг бобоси, қозоқ халқининг даҳо фарзанди, улуг шоири, асл ўғли даражасига кўтарила олган адибдир...”, деган эди. Абай яратган ажойиб асарлар, илгари сурган ғоялар ўз халқи орасидагина эмас, балки умумтуркий халқлар ўртасида ҳам, шу жумладан қардош ва қондош ўзбек халқи маънавиятига ҳам тегишлидир.

*Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
Мен ўланни ёзаман тушунганга,*

Авлодимга бир сабоқ бермоқ учун, – деган Абай ўз шеърларида муҳаббатсиз, дўстликсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас, унингсиз жамият учун фойдали ижод қилиб бўлмайди, дея ўз халқини илм олишга, хунар эгаллашга, ҳалол меҳнат қилишга чақирар экан, уларнинг тақдирида эзгулик ва озодликни кўришни орзу қиладди.

### Хулоса

Ўз даврининг маърифатпарвари сифатида Абай қозоқ халқининг кўп асрлик адабий меросини янги бир руҳ билан янада бойитди. Унинг асарлари кишилиқнинг азалий орзуси бўлган тинч ва осойишта, озод ва обод маънавий орзуларга эришиш меҳнати замирида илм, маънавий етуклик ҳамда ахлоқий гўзаллик уйғунлиги кераклиги ва бу йўлда қозоқ халқини иттифоқ бўлишга даъвати мустақиллик даври ёшлари тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Абайга “Абай қозоқ миллиятнинг маънавий ислохотчиси”, – дея ҳақли баҳо берганда мутлоқ ҳақ эди (Тоқаев, 2020).

## Фойдаланилган адабиётлар

- Абай. (1970). *Шеърлар ва поэмалар*. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент.
- Абай. (2015). *Ёрқин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насиҳатлар*. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти.
- Авезов, М. (1967). *Абай йўли* [Роман]. Тошкент. Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти.
- Токаев, К.-Ж. (2020). *Абай и Казахстан в XXI веке*. Retrieved from [https://www.inform.kz/ru/abay-i-kazakhstan-v-hhi-veke-perevod-stati-prezidenta-rk-kasym-zhomarta-tokaeva\\_a3618011](https://www.inform.kz/ru/abay-i-kazakhstan-v-hhi-veke-perevod-stati-prezidenta-rk-kasym-zhomarta-tokaeva_a3618011)

## References

- Abai. (1970). *Poems and Poemas*. Tashkent. Gafur Ghulam Literature and Art Publishing House. [in Uzbek]
- Abai. (2015). *Bright Star: Poems, Poemas, and Counsels*. Tashkent. Uzbekistan Publishing House. [in Uzbek]
- Avezov, M. (1967). *The Path of Abai* [Novel]. Tashkent. Uzbekistan Fine Arts Publishing House. [in Uzbek]
- Tokayev, K.-Zh. (2020). *Abai and Kazakhstan in the 21st Century* [Translation of the article by the President of the Republic of Kazakhstan, Kassym-Jomart Tokayev]. Retrieved from [https://www.inform.kz/ru/abay-i-kazakhstan-v-hhi-veke-perevod-stati-prezidenta-rk-kasym-zhomarta-tokaeva\\_a3618011](https://www.inform.kz/ru/abay-i-kazakhstan-v-hhi-veke-perevod-stati-prezidenta-rk-kasym-zhomarta-tokaeva_a3618011) [in Russian]

## А.А. Асроров

Ш.Рашидов атындагы Самарқанд мемлекеттік университети, Самарқанд, Ўзбекистон  
(E-mail: [asrorovakbar@gmail.com](mailto:asrorovakbar@gmail.com))

## Қазақ ұлтының рухани реформаторы Абай әдеби мұрасында адамгершілік пен нақышбандылық

**Аңдатпа.** Абай Құнанбаев өзінің қайталанбас есімі мен теңдесі жоқ шығармашылық мұрасы арқылы қазақ халқын әлемдік аренада танытқан, Шығыс ойшылдарының жарқын өкілі ретінде танылған ұлы тұлға. Оның шығармаларында терең сопылық-философиялық ойлар, адам табиғаты мен қоғамды терең талдаулар, кемел тұлғаны тәрбиелеуге бағытталған идеялар көрініс табады. Мақалада Абай шығармашылығындағы гуманизм, адамгершілік қағидалары, білім мен тәрбиеге деген көзқарастар, сондай-ақ нақшбандийлік тәлімнің іздері жан-жақты зерттеледі. Абай шығармалары адамның рухани дамуы, моральдық кемелдікке жету, өз-өзіне және қоғамға жауапкершілікпен қарау, нәфсін тазалау және этикалық тәрбие алу мәселелерін қамтиды. Сонымен қатар, Абай өзінің рухани ұстазы ретінде Әлішер Нәуәидің идеяларынан үлкен әсер алған, өмірді сүю, әділдік, адамгершілік және нақшбандийлік принциптерін шығармаларында үйлестіргені көрсетіледі. Мақала оқырманға Абай шығармашылығындағы философиялық, этикалық, педагогикалық және рухани ерекшеліктерді терең түсінуге мүмкіндік береді. Сондай-ақ, Шығыс әдебиетінде қалыптасқан гуманистік дәстүрлерді зерттеп, олардың қазіргі білім беру жүйесіндегі, этика мен мораль тәрбиесіндегі рөлін көрсетуге бағытталған. Абай мен Навоидің ойларының үйлесімі қазіргі қоғамдағы рухани даму мен моральдық құндылықтарды қалыптастыру үшін маңызды болып табылады, бұл олардың шығармашылық мұрасының өзектілігін, терең ғылыми және практикалық

мәнін айқын көрсетеді.

**Түйін сөздер:** дарға, шығармашылық мұра, нақшбандылық тәлім, ойшыл, шығыс әдебиетінің даңқты тұлғалары, насихат, адамгершілік қасиеттер.

**A.A. Asrorov**

*Samarkand State University named after Sharof Rashidov, Samarkand, Uzbekistan*

*(E-mail: sametazap@kastamonu.edu.tr)*

### **The Spiritual Reformer of the Kazakh Nation: Humanism and Mystical Orientation in Abai's Literary Heritage**

**Abstract.** Abay Kunanbayev, through his immortal name and unparalleled creative legacy, brought worldwide recognition to the Kazakh nation and stands as a prominent representative of Eastern thought. His works embody profound Sufi-philosophical reflections, analytical insights on society and human nature, and ideas devoted to cultivating the perfect individual. This article examines humanism, moral principles, spiritual development, pedagogical approaches, and the Naqshbandiyya teachings in Abay's intellectual and artistic heritage. It addresses purification from desires, ethical excellence, social responsibility, personal growth, and the cultivation of a high moral culture. Special attention is given to the influence of Alisher Navoi, whom Abay regarded as his spiritual mentor, on the harmonious integration of love for life, humanism, justice, and Naqshbandiyya principles within his worldview. The study provides readers with deeper understanding of Abay's philosophical, ethical, pedagogical, and spiritual features, emphasizes the role of humanistic traditions in Eastern literature, and highlights their relevance for contemporary education, ethics, and spiritual formation. Furthermore, it analyzes the moral and philosophical unity between Abay and Navoi's teachings, which serves as a guide for ethical orientation, spiritual growth, and the cultivation of human virtues, demonstrating the enduring significance and practical value of their intellectual and artistic legacy in modern society.

**Keywords:** darğa, creative legacy, naqshbandiyya teachings, thinker, luminaries of eastern literature, moral guidance, human virtues.

#### **Муаллиф ҳақида маълумот:**

**Асроров А.А.** – доцент, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Самарқанд, Ўзбекистон.

#### **Автор туралы мәлімет:**

**Асроров А.А.** – доцент, Шароф Рашидов атындағы Самарқанд мемлекеттік университети, Самарқанд, Өзбекстан.

#### **Information about authors:**

**Asrorov A.A.** – Associate Professor, Samarkand State University named after Sharof Rashidov, Samarkand, Uzbekistan.



Бұл жұмыс Creative Commons Attribution-Коммерциялық Емес 4.0 Халықаралық лицензиясы бойынша лицензияланған.  
This work is licensed under Creative Commons Attribution-Noncommercial 4.0 International License